



## ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

доц. Курбанбаев Журабек Эрувбаевич  
Тошкент Кимё Халқаро университети  
ORCID: 0009-0009-8086-0070  
[jurabektfi@mail.ru](mailto:jurabektfi@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада ҳисоб сиёсатини зарурияти ва аҳамияти, уни шакллантиришга қўйилган талаблар ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик асослари кенг ёритиб берилган. Шунингдек, ҳисоб сиёсатини танлаш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар ва ҳисоб сиёсатини қўллаш ҳамда шакллантиришда АҚШ, Европа ва Осиё давлатларида қўлланилаётган услубиятлар, улардаги меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатлар тадқиқ этилган. Хорижий тажрибалардан амалиётимизда қўллаш мумкин бўлган жиҳатлари юзасидан фикр-мулоҳазалар ва илмий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ҳисоб сиёсати, ҳисоб сиёсатини танлаш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатини қўллаш.

## ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФОРМИРОВАНИЯ УЧЕТНОЙ ПОЛИТИКИ

доц. Курбанбаев Журабек Эрувбаевич  
Ташкентский международный университет Кимё

**Аннотация.** В статье рассматриваются необходимость и значение учетной политики, требования к ее формированию и факторы, влияющие на нее, а также методологические основы формирования учетной политики на основе международных стандартов финансовой отчетности. Кроме того, изучается выбор учетной политики, изменения в учетных оценках, а также методы, используемые при формировании и применении учетной политики в США, странах Европы и Азии, а также их нормативных и правовых документов. Высказываются мнения и научные рекомендации относительно аспектов зарубежного опыта, которые могут быть применены в нашей практике.

**Ключевые слова:** учетная политика, выбор учетной политики, изменения в учетных оценках, применение учетной политики.

## FOREIGN EXPERIENCE IN FORMING ACCOUNTING POLICY

assoc.prof. Kurbanbaev Jurabek Eruvbaevich  
Kimyo International University in Tashkent

**Abstract.** The article broadly covers the necessity and importance of accounting policies, the requirements for their formation and the factors affecting them, as well as the methodological foundations of the formation of accounting policies based on international financial reporting standards. Also, the selection of accounting policies, changes in accounting estimates, and the methods used in the formation and application of accounting policies in the USA, Europe and Asian countries, as well as their regulatory and legal documents, are studied. Opinions and scientific recommendations are given on the aspects of foreign experiences that can be applied in our practice.

**Keywords:** accounting policies, selection of accounting policies, changes in accounting estimates, application of accounting policies.

### Кириш.

Рақамлаштриш шароитида жаҳон мамлакатлари ўртасида иқтисодий ўсишни янада юқори чўққига олиб чиқмоқда. Бу эса компанияларда молиявий ҳолати ва даромад ва харажатларини янада яхшилашга, хўжалик фаолиятини қайта кўриб чиқишга ҳамда ривожланиш учун янги имкониятларни излашга мажбур қилмоқда. Сўнгги йилларда компаниялар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларга мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузиш ва уни тақдим этишда етарлича илмий ва амалий методологик асослари бўлишини талаб этмоқда. Бунда компанияларда шакллантирилаётган ҳисоб сиёсати муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам халқаро стандартларга ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилган ва яратилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги 4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида қуйидаги жумла келтириб ўтилган эди: “...бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш.” (Қонун, 2016). Президент қарорида белгилаб берилган бу каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишда, тегишли вазирликларнинг соҳа мутахассислари ва Олий таълим муасасаларининг етук профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда фаолият олиб боришни талаб этади. Бугунги кунда бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш жараёни бошланган ва бу ишлар самарали давом этмоқда, бу эса ўз навбатида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларнинг ютуқ томонларини амалиётимизга жорий этишни талаб этади. Шу мақсадда мазкур мақолада Америка, Европа ҳамда Осиёнинг иқтисодиёти ривожланган ва МҲХСни тўлиқ жорий этган мамлакатларнинг тажрибаларидан кенг фойдаланилди.

### Адабиётлар шарҳи.

Сўнгги йилларда ҳисоб сиёсати, ҳисоб сиёсати услубиёти, ҳисоб сиёсати амалиёти каби тушинчалар корхоналарнинг амалиётида қўлланила бошланди. Ўз навбатида ҳисоб сиёсатининг халқаро ва миллий даражадаги иқтисодчи олимлар ва соҳанинг амалиётчи мутахассислари (аудиторлар, бухгалтерлар, таҳлилчилар) томонидан кўплаб таърифлар ҳамда турли ёндошувлар берилган. Ушбу таърифларнинг барчасида ягона бир мақсад мужассамлашганини кўриш мумкин, яъни ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишга қаратилган қоидалар мажмуидан иборат.

“Ҳисоб сиёсатлари, ҳисоблаб чиқилган баҳолардаги ўзгаришлар ва хатолар” номли 8-сон БҲХСда қуйидаги таъриф шакллантирилган: *Ҳисоб сиёсати* – бу ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланадиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир (Қарор, 2020). Амалиётимизда эса бунга биров бошқачароқ ёндошилганини кўришимиз мумкин. Масалан, миллий стандартда: “...Ҳисоб сиёсати ташкилот молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус принципларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди” деб таърифи берилган (Стандарт, 2022). Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, бир вақтнинг ўзида бухгалтерия ҳисобини юритилиши ҳамда ҳисоб сиёсатини шакллаштирилишига хўжалик субъекти раҳбари масъул шахс сифатида ёндошилган. Ҳисоб сиёсатига берилган таърифлар ва унинг мазмунини ифодалаб берувчи фикрлар масаласида хорижий тажрибага мурожаат этиладиган бўлса, ҳисоб сиёсати умумий бир мақсадда хизмат қилишини кўриш мумкин. Россия Федерацияси қонунчилигида ҳисоб сиёсатига қўйидагича ёндошилади: “...ташкилотнинг бухгалтерия сиёсати у томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби усуллари тўплами - дастлабки кузатиш, харажатларни ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва хўжалик жараёнларини умумлаштириш тушунилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига иқтисодий фаолиятни гуруҳлаш ва баҳолаш, активлар қийматини тўлаш, хўжалик жараёнлари, инвентаризацияни ташкил қилиш, бухгалтерия ҳисоби счётлар режасини қўллаш, бухгалтерия регистрларини шакллантириш ҳамда маълумотни қайта ишлаш ва умумлаштириш каби усулларни ўз ичига олади (Стандарт, 2024).

МҲХСни мувоффақиятли қўллаётган Ҳиндистон тажрибасига эътибор қаратамиз. Ҳиндистон бухгалтерия ҳисоби стандарти (Ind AS) да ҳисоб сиёсати ва уни шакллантириш масалалари халқаро стандарт (МҲХС) талабларига тўлиқ мувофиқлаштирилган. Масалан, ҳисоб сиёсатига берилган таъриф билан МҲХСда берилган таъриф ўртасида деярли фарқли жиҳатлари мавжуд эмас: “Ҳисоб сиёсати - бу молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишда субъект томонидан қўлланиладиган ўзига хос принциплар, асослар, конвенсиялар, қоидалар ва амалиётлар” (Положение, 2008). Мазкур стандартда ҳисоб сиёсатини очиб бериш бўйича талаблар, бундан ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни очиб беришни истисно қилган ҳолатда, Ind AS1 “*Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш*”да ўрнатилиши белгиланган.

Япониянинг бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ: “Ҳисоб сиёсати - бу компания бошқариш учун молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ўзига хос принциплар ва процедуралардир. Бунга бухгалтерия ҳисобининг ҳар қандай усуллари, баҳолаш тизимлари ва ахборотни ошкор қилиш тартиб қоидалари киради”. Глобаллашув шароитида Япония Бухгалтерия Стандартлари Кенгаши (ASBJ) томонидан 24-сонли “Ҳисоб сиёсатини ёритиб бериш, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва хатоларни тузатиш” стандартини қайта кўриб чиқилганлиги юзасидан баёнот берилди (мазкур баёнот фақат япон тилида мавжуд).

АҚШнинг ҳисоб сиёсатини очиб беришга қаратилган тамойилларида (APB 22): “Компанияларнинг ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган тамойилларига мувофиқ молиявий ҳисоботларни тузишдаги бухгалтерия ҳисобининг аниқ тамойиллари ва усуллари бўлиб, бу компанияларни бошқарувида молиявий ҳолат тўғрисида, пул маблағларнинг ҳаракати ва молиявий натижалар бўйича ишончли маълумотларни тақдим этишга қаратилади”.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришда иқтисодчи олимлар томонидан ҳисоб сиёсатини тузиш ва такомиллаштиришда қуйидагича таърифлар ва ёндошувлар берилган: Каримовнинг (2019) фикрига кўра: “Ҳисоб сиёсати корхона томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муаян тамойиллар, асослар, қоидалар ва амалий ёндошувлардир” (ASBJ, 2020). Ибрагимов (2019) томонидан қуйидаги фикрлар билдириб ўтилган: “Ҳисоб сиёсати – бу банк томонидан операцияларни акс эттириш, назоратни таъминлаш ҳамда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун қабул қилинган аниқ бир тамойиллар, асослар, шартлар, қоидалар ва амалиётлардир”.

Хориж иқтисодчи олимларидан Смирнова (2011) ўзининг илмий асарида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: “Тижорат банкларнинг ҳисоб сиёсатида ҳисобнинг муҳим вариантларини ҳар хил операцияларда тўғри қулай бўлиши керак шунингдек, тижорат банкларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантиришда узвий боғлиқ солиқларни режалаштириш ва баҳолай билишдир”.

Астахов (2018) томонидан олиб борилган тадқиқотларда ҳисоб сиёсатига қуйидаги таърифни шакллантиради: “Ҳисоб сиёсати бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш усулларининг тартиботи бўлиб, устав ва бошқа фаолиятнинг иқтисодий ҳодисалар фактини дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида баҳолаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштиришдан иборат”. Аввал олиб борилган тадқиқотларда ҳисоб сиёсатига қуйидагича таърифи шакллантирилган эди: «Ҳисоб сиёсати - бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисобини тузиш ва топшириш учун

муқобил тамойиллар, шарт ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушинилади” (Қурбонбоев, 2005). Яна бир рус олими Козлова ва бошқаларнинг (1999) фикрига кўра: “Ташкилотнинг ҳисоб сиёсати деганда, у томондан танланган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуаси: хўжалик фаолияти фактларини дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида ифодалаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаштириш тушунилади”. Пардаев (2002) томонидан берилган изоҳда эса: “Корхона ҳисоб сиёсати - бу корхонанинг ўзи учун аҳамиятли бўлган ва умумий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда белгиланадиган ва эълон қиладиган бухгалтерия ҳисобининг шакл ва услублар тўпламидир”. Польковскийнинг (2002) таърифича: “Корхонанинг ҳисоб сиёсати -бу бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуи: дастлабки кузатиш, қиймат ўлчовида ифодалаш, хўжалик фаолияти операцияларини жорий гуруҳлаш ва умумлаштириш”.

Жўраев (1998) эса, «Ҳисоб сиёсати - бу хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонуний- меъёрий ҳужжатларда руҳсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллари ва шаклларида корхона танлаб олган ҳамда эълон қилган бухгалтерия ҳисоби тизимидир» . Любишин, Жариновларнинг (2002) фикрига кўра: “ҳисоб сиёсати бу корхона томонидан унинг хўжалик юритиш шароитларига мос равишда танланган , бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг мажмуи, яъни бухгалтерия ҳисоби методини амалга ошириш тартибидаги дастлабки кузатиш, қиймат ўлчови. Гуруҳлаш ва умумлаштириш усулларидаир”. Ҳошимов (2004) хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатини бухгалтерия ҳисобини маълум қоидалар ва тамойиллар бўйича қуйидагича асослаган: тамойил ва қоидаларнинг шундай мажмуини ўрнатиш керакки, уни амалда қўллаш ҳисоб юритишнинг максимал самарасини таъминлаши керак”.

Уразов (2005) томонидан қуйидагича таъриф берилган ва 1-сон БҲМСга киритишни мақсадга мувофиқ деб билган ҳолда “Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усулларини ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжат тушунилади”. Кондраковнинг (1997) фикрига кўра: “Ҳисоб сиёсати- бу ташкилот томонидан ҳисоб ҳисоб объектларини баҳолашнинг руҳсат этилган вариантлардан маъқбулини, ҳамда ўрнатилган руҳсатлар, талаблар ва ўз фаолиятининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш шакллари ва техникасини танлаш” деб таърифлайди. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда илмий изланишларни олиб борган яна бир иқтисодчи олим Жўраев (2011) томонидан қуйидаги таъриф шакллантирилган: “Ҳисоб сиёсати-хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни тузишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган муқобил вариантлардан маъқбули танланиб шакллантирилган, ўзаро узвий алоқадор тамойиллар, талаблар, шакллар, усуллар ва воситалар тизимидан иборат ички тартибга солувчи ҳужжатдир” деб таъриф берилади. Демак, ҳисоб сиёсати - бу тадбиркорлик субъекти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланиладиган муайян тамойиллар, усуллар, одатлар, қоидалар ва амалиётлардан иборат мажмуадир.

Ҳисоб сиёсатига берилган умумий хулосаларга келиш мумкинки, ҳисоб сиёсати - бу корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини тузиш, тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича кўрсатмалари ва тартибларини ўзида ифодалаб, корхонанинг молиявий ҳолатининг аниқ тасвирини беради. Бироқ бизнинг фикримизча, ушбу олимларнинг ишларида ҳисоб сиёсатига берилган ёндошувлар, ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тадқиқ этилмаган.

Натижада, бугунги кун талаби ҳисоб сиёсатни халқаро стандартлар қоидалари бўйича шакллантиришга катта эътиборни қаратишни талаб этмоқда, юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг ишлари ушбу ишга назарий томонларини шакллантиришда катта хизмат қилади.

### Тадқиқот методологияси.

Мазкур мақолани ёзиш давомида мантиқий фикрлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, тизимли ёндашув, монографик кузатув, статистика, иқтисодий таҳлил ҳамда иқтисодий-математик таҳлил ҳамда ҳисоб сиёсатини шакллантиришдаги бухгалтерия ҳисобининг усуллардан фойдаланилган.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг хорижий тажрибаси ҳақида тўхталар эканмиз, бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган корхоналарнинг Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтиши муносабати билан корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини ҳисобга олган ҳолда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Ушбу мақсадлар учун ташкилотларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш бўйича хорижий тажрибани тадқиқ этиш ва уни чуқур таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, хорижий компания ва фирмаларнинг бухгалтерия ҳисобига мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий хусусиятлари таъсир қилади. Бугунги кунда кўплаб бухгалтерия ҳисоби концепсиялари тўғрисидаги халқаро низомлар бухгалтерия ҳисоби тизими олдида турган вазифаларни белгилайдиган ва уларни ҳал қилишнинг асосий йўллари назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда стандартлар яратилган.

### 1-жадвал

#### Бухгалтерия ҳисобининг халқаро моделларида ҳисоб сиёсати ва унинг омиллари

Кўрсаткичлар	Бухгалтерия ҳисобининг Континенталь модели	Бухгалтерия ҳисобининг Британ-америка модели
Ҳисоб сиёсати	Балансни тузиш ва унинг моддаларини баҳолаш методикасини танлашни тартибга солувчи кўплаб қонунлар мавжудлиги билан белгиланади.	Ҳисоб сиёсатини танлашни чекловчи қонунлардан воз кечиш тартиби амал қилади.
Солиқ солиш тизими	Савдо ва солиқ ҳуқуқининг ўзаро боғлиқлиги, солиқ мақсадга мувофиқлиги принципи амал қилади.	Савдо ва солиқ ҳуқуқи бир-бирдан ажратилган ҳолда белгиланади
Тамойиллар (принциплар)	Ахборот функцияси эҳтиёткорлик ва солиқ мақсадга мувофиқлиги принципи билан чекланган бўлади.	Ҳисобот маълумотларини аниқ ва холис тақдим этиш (true and fair view) амал қилади.
Ҳисоб сиёсатига оид ўз тамойиллари билан бирлаштирилган бухгалтерия тизимига эга мамлакатлар.	Бельгия, Германия, Франция, Италия, Португалия, Швейцария, Япония	Буюк Британия, Ирландия, Канада, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Сингапур

**Манба:** тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Копманияларнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш концепсияси бухгалтерия ҳисоботи ахборотидан фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳамда ҳисоб сиёсатининг назарий ва методологик жиҳатларини ва ҳисоб жараёнининг турли даражаларида концептуал қарорларни амалга оширишни назарда тутуди. Демак, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишда қўлланиладиган ҳисобга олиш усулларини

танлаш эркинлиги даражаси, унинг изчиллиги ва ушбу қарорларни қабул қилиш учун масъул бўлган шахсларнинг касбий фикрлари бухгалтерия ҳисоботларининг ишончилиги ва холислигига боғлиқ бўлади.

Маълумотлардан кўришиб турибдики, бухгалтерия ҳисобининг халқаро Британ - америка моделида ҳисоб сиёсатини шаклланиши индивидуаллик ғоялари таъсир кўрсатади. Ушбу моделнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у барча шахслар учун чекланмаган сўз эркинлигини таъминлайди. Континентал моделнинг негизида эса, сўз эркинлигини чеклаш, яъни сўз эркинлиги ҳуқуқий давлатга таҳдид қилмаслиги керак бўлган давлат институти ўрнатилади.

Шундай қилиб, шакллантирилган ҳисоб сиёсати хўжалик юритишнинг реал шароитларидан ва бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш тизимининг принципларидан келиб чиқиб, ҳисоб тизимининг ишлаш тартибини белгилайди.

Хорижий мамлакатларда бухгалтерия ҳисоботларини тузиш тартиб-таомиллари ва ҳисоб амалиётлари кўп асрлар давомида ривожланган, шунинг учун турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби асосланган кўплаб ҳисоб концепсиялари мавжуд.

Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби мазмунига тизим сифатида қуйидаги омиллар таъсир кўрсатишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир: ҳуқуқий тартибга солиш, молиявий ва солиқ тизими, мамлакатнинг умумий иқтисодий аҳволи, бошқа мамлакатларнинг таъсири ва бошқа омиллар.

Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда жаҳоннинг турли мамлакатларида турлича қоидалар амал қилмоқда. Олиб борилган тадқиқотларда жаҳоннинг энг ривожланган давлатлардан бири АҚШда ҳисоб сиёсатини шаклланиши ва унга қўйилган асосий талаблар ҳақида тўхталиб ўтилади. АҚШда ҳисоб сиёсати АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси (SEC) томонидан қабул қилинган ва мамлакат компаниялари томонидан стандарт бўйича ишлатиладиган Умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари (GAAP)га асосланган.

АҚШ ГАПП (USGAAP) тизими ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, GAAP (Generally Accepted Accounting Principles) - АҚШда бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари учун асосий манба ҳисобланиб, у даромадларни тан олиш, харажатларни таснифлаш, активларни баҳолаш ва мажбуриятларни ўлчаш қоидаларини белгилайди. GAAPни қўллаш орқали компаниялар ўзларининг молиявий ҳисоботлари барча соҳаларда бир хил бўлишига ва молиявий фаровонлигини аниқ акс эттиришига кафолат беришлари мумкин. Умумий қабул қилинган бухгалтерия принциплари (GAAP) - бу молиявий ҳисобни тартибга солувчи стандартлаштирилган кўрсатмалар тўплами бўлиб, ўзаро мувофиқлик ва шаффофликни таъминлаб, манфаатдор томонларга асосланган қарорлар қабул қилиш имконини беради. GAAP ишончли молиявий ҳисобот учун асос бўлиб, ташкилотнинг молиявий фаровонлиги ҳақида хабар беришга ёрдам беради.

GAAPга риоя қилиш - бу бир хил амалиётларга амал қилиш демакдир. Бу компаниялар ва тармоқлар ўртасидаги таққослашларни ўтказиш, бенчмаркинг ва таҳлил қилишда ёрдам беради. Инвесторлар ва кредиторлар турли ташкилотлар ёки лойиҳалар билан боғлиқ самарадорлик ва таваккалчиликни баҳолаши мумкин. Бундан ташқари, GAAP хато, нотўғри тушунча ва фирибгарликни минималлаштиради, бу эса ташкилот ва унинг манфаатдор томонлари ўртасида ишончни таъминлайди.

Муҳимлик - GAAPнинг муҳим жиҳатидир. У молиявий ҳисоботларнинг аҳамияти ва аҳамиятига эътибор қаратади. Компаниялар қарор қабул қилишда муҳим бўлган маълумотларга устуворлик беришлари мумкин, бу эса кўришни бузадиган кераксиз тафсилотлардан қочишга ёрдам беради. Бу молиявий ҳисоботларни аниқликсиз оптималлаштиради.

GAAP ҳар доим бизнес амалиёти ва иқтисодий шароитларга мос келиши учун ривожланиб боради. Молиявий ҳисоб стандартлари кенгаши (FASB) АҚШда GAAPни ишлаб чиқиш ва янгилаш учун жавобгардир. Улар манфаатдор томонларнинг

фирмаларини тинглайдилар ва бухгалтерия ва молия соҳасида пайдо бўлган муаммоларни ҳал қиладилар. GAAP АҚШда пайдо бўлган бўлса-да, ҳозирда у бутун дунё бўйлаб бухгалтерия принциплари учун асос бўлиб хизмат қилади. Унинг таъсири чегарадан ташқарига чиқади ва кўплаб мамлакатлар GAAP асосида бухгалтерия ҳисобининг ўхшаш стандартларини қабул қилмоқдалар. Бу эса жаҳон молиявий бозорларида уйғунликка ҳисса қўшади.

## 2-жадвал

### GAAP (АҚШ, Буюк Британия) ҳамда МХХСда Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларга қўйиладиган талаблар

Стандартлар	Ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар	Фундаментал хатоларни тузатиш	Ҳисоб баҳолардаги ўзгаришлар
Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (БХХС, МХХС)	Асосий ёндашув - ўзгаришларни ретроспектив акс эттириш; муқобил ёндашув - ўзгаришларни истиқболда акс эттириш қўлланилади.	Таққослаш қайта ҳисоблаб чиқилади ёки таъсир жорий йилнинг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботида қўшилади, таққослаш жадвали эса изоҳларда кўрсатилади	Жорий даврдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади
АҚШ (USGAAP)	Даромадлар тўғрисидаги ҳисоботга жорий йилдаги ўзгаришларнинг таъсири қўшилади. Ҳисоботнинг қиёсий жадвали ва “Бир акцияга даромад” кўрсаткичининг қиёсий қайта ҳисоб-китоби келтирилади	Ҳисоботларни қиёсий қайта ҳисоблаш амалга оширилади	Жорий даврдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади
Буюк Британия (UK GAAP)	Ретроспектив ёндашув қўлланилади. Ҳисобот ва “Акцияга даромад” кўрсаткичининг олдинги йил учун янгидан эълон қилинган даромад билан солиштирма қайта ҳисоблаб чиқилади	Ҳисоботларни қиёсий қайта ҳисоблаш амалга оширилади	Жорий даврдаги фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади

**Манба:** тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

АҚШда ҳисоб сиёсати қуйидаги тамойилларга асосланади, жумладан:

**Маълумотни тўлиқ ошкор этиш принципи.** Маълумотлар ҳажми ва турлари компромисс таҳлиллари асосида ҳал қилинади, чунки кўпроқ маълумотларни тайёрлаш ва ишлатиш қимматроқ ҳисобланади. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришда маълумотлар қарор қабул қилиш учун етарли бўлиши ҳамда харажатлар оқилона бўлиши кераклиги талаб этилади.

**Объективлик принципи.** Компаниянинг молиявий ҳисоботлари холис далилларга асосланган бўлиши кераклигини талаб этади.

*Муҳимлик принципи.* Маълумотни ошкор қилишда элементнинг аҳамиятини ҳисобга олиниши лозим. Агар у компаниянинг қарорига таъсир қилиши мумкин бўлса, у ҳолда элемент муҳим деб ҳисобланади.

*Кетма-кетлик принципи.* Компания ҳар бир даврлар оралиғида ҳисоб-китоб қилишнинг бир хил принциплари ва усулларида фойдаланади.

*Консервативлик принципи.* Компаниялар томонидан муаммоларни ҳал этишда ва уларнинг ечимни танлашда қўлланиладиган натижаларга асосланилади.

Хулоса қилинганда ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш талаблари бўйича МҲХСдаги талаблар билан АҚШ ГААПда бироз қарқли жиҳатларни кўриш мумкин, лекин умумий олганда деярли ҳамма стандартларда ҳисоб сиёсатининг мақсади ягона эканлигини англаш мумкин. Яъни, таққосланган стандартларда компанияларнинг ҳисоб сиёсатига киритилган ўзгаришларга рухсат берилади ҳамда ягона ретроспектив ёндашув амал қилади.

Европа давлатларида ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг методологик асосларини чуқур тадқиқ этиш мақсадида иқтисодиёти ривожланиши жиҳатдан жаҳонда етакчи мамлакатлардан бири - Германия тажрибаси ўрганилди.

Халқаро Фонд биржасида котировка қилинган европанинг бошқа мамлакатлари каби Германия компаниялари ҳам қоидалари ҳисоб сиёсатида акс эттирилган йиллик консолидациялашган ҳисоботларини халқаро стандартлар (IAS/IFRS) асосида тузишлари талаб этилади. Демак, улардаги ҳисоб сиёсати ҳам айнан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)га тўлиқ мувофиқ келади. Германияда кичик ва ўрта бизнес немис ГААП (немис савдо кодекси талаблари) ёки ўзларининг консолидациялашган молиявий ҳисоботларида Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган МҲХС стандартларидан фойдаланишлари мумкин.

Германияда масъулияти чекланмаган жамиятлар, масъулияти хусусий бўлган жамиятлар (Einzelkaufleute, OHG, KG) ва масъулияти чекланган жамиятлар (GmbH ва AG) нинг ҳисоб сиёсатида қуйидаги бухгалтерия ҳужжатларни тузишлари кераклиги белгиланган:

- баланс (1978 йилдаги 4-Европа директиваси билан белгиланган шаклда, 1985 йилдаги Германия қонунчилигига мослаштирилган);

- фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (Gewinnund Verlustrechnung).

Масъулияти чекланган жамиятлар (GmbH ва AG) қуйидаги ҳужжатларни ҳам тузишлари керак:

- ҳисоботларга эслатмалар (Anhang)

- йиллик ҳисобот (Lagebericht).

Шунингдек, Германия компанияларнинг ҳисоб сиёсатига асосан молиявий оқимлар (молиявий ҳолат тўғрисидаги) ёки пул оқимлари (пул маблағлари харакати) бўйича маълумотлар (жадваллар) фақат акциялари фонд биржасида котировка қилинган компаниялар учун мажбурий ҳисобланади.

Умуман олганда Германияда ҳисоб сиёсати билан солиққа тортиш масалалари ўзаро боғлиқ бўлиб, барча солиқ тўловчилар бухгалтерия ҳисобини тўлиқ юритишлари шарт қилиб белгиланади (ҳисоб сиёсатига эга бўлиш билан бирга).

Германияда бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятлардан бири компаниялари учун асосий савдо кодекси бўлган қонун (Handelsgesetzbuch - HGB) амал қилади. Қонун молиявий ҳисоботларни тайёрлашга оид қоидаларни ўз ичига олади ва бухгалтерия ҳисоби қоидалари ва энг яхши амалиётларни белгилайди. Германия Савдо кодекси бир қарашда АҚШнинг Умумий қабул қилинган бухгалтерия принципларига (USGAAP) яқинроқдир. Ушбу Савдо кодекси халқаро стандартлар билан (МҲХС) билан ҳам боғлиқ томонларга эга. Масалан, Германия ва МҲХС қоидаларида бухгалтерия ҳисоби учун асос сифатида тарихий қийматлардан фойдаланилсада, аммо Германия қонунчилиги умуман қайта баҳоланганга рухсат бермайди.



Шунингдек, МХХС асосий воситалар, номоддий активлар, инвестицион мулкларнинг ҳаққоний қийматини муайян тармоқлар доирасида қайта баҳолаш мумкинлигини таъминлайди. Германия бухгалтерия ҳуқуқи банклар ва молиявий муассасаларнинг савдо учун сақланадиган молиявий воситаларининг ҳаққоний қийматини баҳолашдан баъзи истисноларни тақлиф қилади.

Германия компанияларининг ҳисоб сиёсатида мувофиқ даромадлар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунларнинг ҳар иккала тўпламига мувофиқ жуда ўхшаш, аммо барибир фарқлар мавжуд. Германияда жами даромад тўғрисидаги ҳисобот мавжуд эмас. Даромад ва зарар тўғрисидаги ҳисобот сотувлар таннархи ёки умумий таннарх усулларида фойдаланиб тузилиши мумкин. Бундан ташқари, дисконтлашдан олинган даромад бошқа фоизли ва шунга ўхшаш даромадларга киритилади. МХХС асосида фойда ёки зарар ва умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш учун Германия компанияларига эркинлик берилган, яъни танлаш имконияти мавжуд.

### 3-жадвал

#### Германия компаниялари ҳисоб сиёсатининг жиҳатлари

Т\р	Мезонлар	Талаблар
1.	Тўлиқлик	Барча хўжалик операциялардаги ёзувлар
2.	Таркибнинг тўғрилиги	Хўжалик операциялари ёзувлари уларнинг мазмунига мувофиқ бўлиши
3.	Вақтинчалик чегаралар	Ёзувлар операциялар амалга оширилган вақтга мувофиқ ўтказилади
4.	Аниқлик, текшириш имконияти	Ҳисоб-китоблар учинчи шахсга етарлича қисқа вақт ичида ҳамма нарсани тушуниб бериш учун жуда аниқ ва кўринадиган тарзда олиб борилади
5.	Шаклнинг тўғрилиги	Дастлабки таркибни ҳар қандай тарзда ўзгартириш, масалан, ўчириш, ёпиштириш ва ҳоказоларни тақиқлаш
6.	Хронологик тартиб	Хўжалик операциялари ёзувлари уларни амалга ошириш тартибида юритилади

**Манба:** тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.

Германия компаниялари ҳисоб сиёсатида қуйидаги тамойилларга асосланилади:

**Текшириб кўриш:** Компаниянинг бухгалтерия ҳисоботи тўлиқ, аниқ ва қисқача бўлиши талаб этилади;

**Тўлиқлик:** Ҳар бир иш операцияси сақлаш даврларига мувофиқ ҳужжатлаштирилиши керак. Кириш ва харажатлар тўғрисидаги квитанцияларда сана, сумма, миқдор, квитанция рақами, шунингдек, эмитент ва олувчи кўрсатилган бўлиши керак;

**Тўғрилиқ:** Барча бизнес операциялари тўғри ҳужжатлаштирилган бўлиши ва ҳақиқий операцияларни акс эттириши керак. Тегишли чеклар шу мақсадда архивлаштирилади.

**Ўз вақтидалик:** Ўз вақтида ёзувлар тўғри ҳисобга олишнинг калитидир. Барча бизнес операциялари амалга оширилганидан сўнг дарҳол қайд этилиши керак. Қонунга кўра, нақд бўлмаган операциялар 10 кун ичида, пул тушумлари ва тўловлари эса ҳар куни қайд этилиши керак.

**Тартиблиқ:** ёзувлар учинчи шахслар уюшманинг ҳисоб-китобларини осонгина тушуниши мумкин бўлган тарзда сақланиши керак. Бу аудитор ёки солиқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин. Тизимли ҳисоб нақд ва нақдсиз операцияларни ажратиш, солиқ

солинадиган, солиқ солинмайдиган ёки солиқ солинмайдиган сотишларни таснифлайди. Барча чеклар машинада ўқиладиган бўлиши керак.

*Ўзгармаслик:* Бухгалтерия ҳужжатларини ўзгартириб бўлмайдиган ёки қалбакилаштириб бўлмайдиган тарзда сақлаш керак. Агар кейинчалик бирор ўзгариш киритилса, у очиқ-ойдин ҳужжатлаштирилган бўлиши керак. Ҳар қандай ўзгартирилган ҳужжатлар сақлаб қолиниши керак. Тасодифий ҳикоя қилиш ҳам қонун билан талаб қилинади.

Хитойда бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан қатъий тартибга солинади. Компаниялар миллий стандартларга мувофиқ ҳисоб-китоб юритишлари шарт. Мамлакатда Хитой бухгалтерия ҳисоби стандартларидан (CAS) фойдаланилади.

#### 4-жадвал

### Хитойда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш тизимининг даражалари

<b>Қонунчилик</b>	Хитойда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг ягона ҳуқуқий ва методологик нормалари белгиланади. Бунда албатта компаниялардаги ҳисоб сиёсати муҳим роль ўйнайди. Бухгалтерия тизимида қуйидаги иккита қонун қабул қилинган: <i>Хитой Халқ Республикасининг Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни;</i> <i>Хитой Халқ Республикасининг рўйхатдан ўтган бухгалтерлар тўғрисидаги қонуни.</i>
<b>Меъёрий</b>	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар, қоидалар ҳамда нормалар тасдиқланади. Масалан, “Бош бухгалтерлар тўғрисида”ги низом бош бухгалтернинг ҳуқуқ, мажбурият ва ваколатларини, “Ташкилотнинг молиявий ҳисоботи тўғрисида”ги низом эса молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва шаклланиши тартибини белгилайди.
<b>Услубий</b>	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш қоидалари ва ҳужжатлари Молия вазирлиги томонидан тайёрланади ва тасдиқланади.
<b>Ташкилий</b>	Булар ўзларининг ҳисоб сиёсати доирасида ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланадиган, ички фойдаланиш учун мўлжалланган ташкилотларнинг иш ҳужжатлари.

*Манба: тадқиқотлар натижасида муаллиф ишланмаси.*

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Хитойда бухгалтерия ҳисоби тўлиқ рақамлаштирилган. Бу бизнес кредитлаш жараёнини ўзгартиради: бизнес банклар учун молиявий ҳисоботларни қўлда тўпламайди, балки уларни тўғридан-тўғри бухгалтерияга юборади.

Демак, Хитойда ҳисоб сиёсатини шакллантириш масалалари бухгалтерия ҳисобининг стандартлари (CAS) асосида амалга оширилади. Хитой CAS тузилмаси иккита стандартга асосланган:

*Тижорат корхоналари учун бухгалтерия ҳисоби стандартлари (ASBEs);*

*Кичик бизнес корхоналари учун бухгалтерия ҳисоби стандартлари (ASSBE).*

Хитой ASBE стандартлари молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) га жуда мос келади ва Хитойнинг барча рўйхатга олинган компаниялари ўзларининг молиявий ҳисоботларини тайёрлашда ASBEга риоя қилишлари кераклиги шарт қилиб белгиланган. Хорижий инвестиция киритган кўплаб компаниялар ҳам одатда ASBEга амал қиладилар.

Хитойнинг умумий қабул қилинган бухгалтерия принциплари, шунингдек, одатда Хитой бухгалтерия стандартлари деб аталади, халқаро бухгалтерия стандартлари билан юқори даражадаги интеграцияни қўллаб-қувватлайди. Бироқ, Хитой ГААП ва МҲХС ўртасидаги муҳим ўзаро боғлиқликка қарамай, Хитойда хорижий инвеститсия киритган корхоналар асосий фарқлар ҳали ҳам мавжудлигини билишлари керак ва улар бутун гуруҳга нисбатан Хитой филиали молиявий аҳволи учун таъсир кўрсатади.

Хитой CAS бўйича ҳисоб сиёсатида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

- ҳисобот шакллари ишлаб чиқиш ва уларни назорат қилиш Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади;
- ҳисобварақлар (бухгалтерия счётлари) кўпроқ функцияга йўналтирилган бўлади;
- иккиламчи ёзувлар фақат юан билан амалга оширилади, чет эл валютасидаги операциялар эса юанга расмий курс бўйича конвертация қилинади.
- тарихий қиймат усули кенгроқ қўлланилади, айниқса хусусий фирмалар учун, чунки ҳаққоний (адолатли) қиймат ҳақида маълумот олиш мураккаброқ ҳисобланади;
- бухгалтерия ҳисобида молиявий йил 1 январда бошланиши назарда тутилади.
- хамкорлар тўғрисидаги маълумотни ошкор этишга қўшимча талаблар сифатида пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги билвосита ҳисоботлар ҳамда битимларнинг адолатлилиги тўғрисидаги шарҳлар киритилади.

### Хулоса ва таклифлар.

АҚШ GAAP асосида ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва унга қўйилган талабларни хорижий амалиётни тадқиқ этишда қуйидаги хулосаларга келинди:

*биринчидан*, ҳар қандай ҳисоб сиёсати ва ундаги ўзгаришлар иқтисодий ҳодисаларга олиб келади;

*иккинчидан*, хорижий давлатларда изчил ҳисоб сиёсатини танлашда эркинлик берилади;

*учинчидан*, ҳисоб сиёсатини танлаш ва уни қўллашда бир неча муқобил вариантлардан фойдаланиш имконияти мавжуд;

*тўртинчидан*, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларда даромадларга, хусусан, “Бир акцияга даромад” муҳим кўрсаткич сифатида қаралади;

*бешинчидан*, ҳисоб сиёсатига қўйиладиган асосий талаб унинг бир ҳисобот давридан кейинги ҳисобот давригача, яъни узлуксиз давом этиши талаб этилади.

*олтинчидан*, ҳисоб сиёсатида фақат ҳисоботдаги молиявий натижаларга жиддий таъсир кўрсатадиган ва фойдаланувчиларнинг ушбу маълумот асосида қабул қилинган қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳисоб-китоб усуллари ошкор қилиши шарт қилиб белгиланади.

Демак, умумий хулоса қилиш мумкинки, Германия ҳисоб тизими ва ҳисоб сиёсатини шаклланиши узоқ ва ўзига хос анъаналарга эга ҳисобланади. Англия-Америка мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Германияда бухгалтерлар қонунчилик нормалари ва ҳисоб сиёсатида айниқса солиқ нормаларига имкон қадар тўғри риоя қилишга қаратилган. Бу, айниқса, ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги фарқлар билан боғлиқ (германиялик ҳуқуқ тизими нормаларни кодлаштиришга асосланган, англосаксон умумий ҳуқуқ тизими - преседентларга асосланган). Демак, умумий хулоса қилинганда, халқаро амалиётда компаниялар томонидан молиявий ҳисоботларни тузишга эмас, балки фойдани белгиланган қоидалар асосида бошқариш нуқтаи назардан ҳам ҳисоб сиёсати танланиш самарадорликка олиб келади.

### Адабиётлар / Литература / References:

ASBJ (2020) Accounting Standards Board of Japan (ASBJ). Japanese generally accepted accounting principles (JGAAP) Accounting Standard for Accounting Policy Disclosures. [www.asb.or.jp/en/jp-gaap/accounting\\_standards/y2020/html](http://www.asb.or.jp/en/jp-gaap/accounting_standards/y2020/html)

Karimov A., Kurbanbayev J., Jumanazarov S. (2019). Buxgalteriya hisobi. Darslik. –T.: “Iqtisod-moliya”.

Астахов, (2018) Бухгалтерский (финансовый) учет в 2 ч. - Москва: Юрайт, - 536 с.

Джўраев Б.М. (2011) Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш. Иқт. фанлари илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.автореферати. 21 б.

Жўраев Н.Ю. (1998) Бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.

- Ибрагимов А.К. (2019) Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”.
- Козлова Е.П. ва бошқ. (1999) Бухгалтерский учет в организациях.-М.: ФиС.
- Кондраков Н.П. (1997) Бухгалтерский учет. -М.: Инфра-М.
- Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли қарори. 2020 йил 24 феврал. (3-банди) <https://lex.uz/docs/4746047>
- Қонун (2016) Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги” Қонуни (янги таҳрир). ЎРҚ-404. 13.04. 2016 й. <https://lex.uz/docs/2931253>
- Қурбонбоев Ж.Э. (2005) Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакиллантириш, юритиш ва ривожлантириш истиқболлари. и.ф.н. авт. - Т. 18 б.
- Н.Любушин. (2002) Теория бухгалтерского учета: учебное пособие для вузов.
- Пардаев А.Х. (2002) Бошқарув ҳисоби. Дарслик.
- Положение (2008) Положение по бухгалтерскому учету "Учетная политика организации" (ПБУ 1/2008). Приложение N1 к Приказу Мин фин Российской Федерации от 06.10.2008 N 106н [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_law\\_164/2d52/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_law_164/2d52/)
- Польковский А. (2002) Теория бухгалтерского учета. Учеб пособие-М.: “Экономика и организация”.
- Смирнова, Т. В. (2011). Основы теории бухгалтерского учета: учебное пособие / Минобрнауки России, ГОУ. - 155 с.
- Стандарт, (2022) 8-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар. Расмий таржима. 2022 йил.
- Стандарт, (2024) Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (1-сонли БҲМС) «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш ва ҳисоб сиёсати»ни тасдиқлаш ҳақида [Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 6 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3544].
- Уразов К.Б. (2005) Иқтисодий эркинлантириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари”. Монография. -Т. 151- 152 бет.
- Хошимов Б. (2004) Бухгалтерия ҳисоби. Т.: Дарслик.